

**“Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ  
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш  
Б А Ё Н И**

2023 йил 7 сентябр  
соат 10-00

Тошкент шаҳри

**Ўтказилган жойи:** Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент халқа йўли

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Тошкент халқа йўли, жамиятнинг маъмурий биносида 2023 йил 7 сентябр куни ўтказилди. Йиғилишда 1.151.711 та овозга эга 13 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 94,34% ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

**Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:**

К.Расулов – “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи  
Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси, жамият кузатув кенгаши аъзоси,  
О.Джумаев – Жамият директори

**Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:**

И.Абдурахмонова

Йиғилишга жамият кузатув кенгаши аъзоси Т.Камолов раислик қилди.

**Йиғилиш кун тартиби:**

*Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ва кенгаш таркибини қайтадан сайлаш;*

Йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича мажлис раиси Т.Камолов сўзга чиқиб, жамиятдаги Марказ номидан сайланган кенгаш аъзоласи Д.Ганиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг ўрнига янги кенгаш аъзосини сайлаш зарурияти тугилганлиги сабабли жамиятнинг чиқиб кетаётган Кузатув кенгаши аъзоси ўрнига “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУКнинг “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари Шомансуров Шоакбар Шамаҳкамovich номзодини киритилиши тўғрисидаги марказнинг хати билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Жамият акциядорлари сони беш юзданкам бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлишлигини, жамият Кузатув кенгаши аъзоларига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги масала кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок ҳайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

	Рози		Қарши		Бетараф	
	Овоз сони	%	Овоз сони	%	Овоз сони	%
1-масала б-ча						
1.1. А.Раззоқов			1.151.711			
1.2. О.Расулов			1.151.711			
1.3. Ш.Шамансуров			1.151.711			

1.4.Т.Камолов	1.151.711
1.5.Ш.Жўраев	1.151.711

Раислик килувчи кун тартибидаги масала кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ

#### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

- 1.1. Раззоқов Аҳад Анварович (93,1% акциядор вакили)- 1151711 та овоз
  - 1.2. Шамансуров Шоаброр Шамаҳкамович (93,1% акциядор вакили)-1151711 та овоз
  - 1.3. Расулов Отабек Райимбердиевич (93,1% акциядор вакили) -1151711 та овоз
  - 1.4. Камолов Толмас Каримович- (акциядор) 1151711 та овоз
  - 1.5. Жўраев Шерали Абдувахҳоб ўгли-(мустақил аъзо) 1151711 та овоз
2. Мазкур йигилиш қарори ижросини таъминлаш жамият ижроия органига юклатилсин.

Баённома имзоланган сана: “ \_\_\_\_ ” сентябр 2023 йил.

Йигилиш раиси



Т.Камолов

Баённи олиб борди



И.Абдурахмонова